

# Олтинсой туманида семинар



Олтинсой туман Фермер дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши ходимлари томонидан туманнинг "Гулбод " маҳалласида яшовчи фуқаро Мамадев Аминнинг хонадонида ўқув семинар ўтказилди. Фуқаро Мамадев Амин томонидан Олтинсой туман Фермер дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши томонидан ажратилган имтиёзли кредит асосида 6 сотихли иссиқхона қурилган бўлиб, унда помидор етиштиришни йўлга қўйган. Шу кунларда долзарб бўлган аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаб, ердан унимли фойдаланиб келмоқда. Амин ака ўз навбатида маҳалладошларига ҳам иссиқхоначилик бўйича ўз тажрибаларини ўргатиб келмоқда.